

**IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA
AMALIYOT**

**ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Беркинов Бозорбой Беркинович

*ТДИУ “Институционал ва иқтисодий
тадқиқотлар маркази” раҳбари, и.ф.д., профессор*

Аннотация: *Янги Ўзбекистонни барпо этишининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириши билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган. Улар уч гуруҳга ажратилган ва қўйилган муаммоларни ҳал этиши йўллари таклиф этилган.*

Калим сўзлар: *Янги Ўзбекистон, глобал пандемия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, шартнома, трансакция харажатлари, халқ фаровонлиги.*

Annotation: *The aspects of building a new Uzbekistan related to small business and private entrepreneurship are analyzed and strategic directions for the development of this sector are based. They were divided into three groups and suggested ways to solve the problems posed.*

Keywords: *New Uzbekistan, global pandemic, small business and private entrepreneurship, private property, contract, transaction costs, welfare of the people.*

Кириш. Ўзбекистон ўз ривожланишининг жаҳон ҳамжамиятида тан олинган янги учинчи босқичига шахдам қадамлар билан ўтмоқда. Унинг негизини давлатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини, янги дунёқарашни, янги иқтисодий муносабатларни янада юксак пағонага олиб чиқиш вазифалари ташкил этади. Ана шу устувор вазифалар ичида, Президентимиз Ш.Мирзиёев белгилаганидек[1], тадбиркорликни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймаслик асосий мақсадлардан бири сифатида қаралмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, улар сонининг муттасил ошиб бориши билан ушбу соҳанинг самарадорлиги кўплаб масалаларни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга мос стратегияларни ҳисобга олиб ҳал этишни талаб қилади.

Ушбу талабларга эътибор қаратганда, тадбиркорлик шаклларида қатъий назар, уларнинг мулкани ва унга бўлган ҳуқуқини қатъий ҳимоя қилиш, шартномавий шартларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ўзаро муносабатларда трансакция харажатларини кескин камайтириш зарур. Шуларни ҳисобга олиб ушбу тадқиқот бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Асосий қисм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт ривожланишига, бандлик муаммоларининг ҳал этилишига, аҳоли даромадини ўсишига катта таъсир кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан кўпчилик шуғулланиш имкониятига эга, чунки у катта миқдордаги дастлабки сармояни талаб қилмайди.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётига ихчамлиги билан тез мослашади. У йирик корхоналар учун фойдасиз ва зарарли бўлиб қолган товарларни ишлаб чиқаришда юқори рентабелликни таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада оқилона ишлаб чиқариш-хўжалик кооперацияси учун қулай шароит яратади. Хўжалик юретишининг кичик бизнес шаклларининг энг муҳим устунлиги шундан иборатки, у янги корхонани очиш ёки эски объектни реконструкция қилиш учун нисбатан қисқа муддатларни талаб қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ушбу ва бошқа ижтимоий-иқтисодий функциялари, уни ривожлантиришни Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатнинг энг муҳим устувор вазибалари қаторига қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17.08.2021 йилда “Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири саволларига жавобларида¹ “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг самарали йўли, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг пировард мақсадидир”, деб алоҳида таъкидлаган. Шу билан бирга Президентимиз, “Бу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳал этиш мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, очиқлик ва ошкоралик муҳитини, жамоатчилик назоратини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди, деб ишонаман” деган фикрни билдирган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон стратегиясини муваффақияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширила-ётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлан-тиришга ҳамда ушбу соҳада ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга йўналтирилган.

Ҳозирги вақтда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Аҳоли томонидан оилавий тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши, микрофирмалар ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун институционал ҳамда ҳуқуқий нормалар шакллантирилган [2,3], Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўтган йиллар мобайнида яратилган ушбу чора-тадбирлар натижасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида макроиқтисодий ўсиш тенденциялари сақланиб қолди.

¹ Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ялпи ички маҳсулодаги улуши 2000 йилда 30,1 фоиздан 25,3 фоизгача, аҳоли бандлиги 49,7 фоиздан 73,8 фоизга ошди. Ушбу ўзгаришлар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши ҳамда йиллик инфляция ҳисобига товарлар нархи ошиши ҳисобига рўй бериши кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)²**

Йиллар	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт
2000	31,0*	12,9*	38,4*	49,7*	10,2	22,8
2001	33,8*	12,5*	40,4*	51,8*	9,3	26,7
2002	34,6*	15,4*	42,0*	53,5*	7,5	24,9
2003	35,0	10,8	39,9	56,7	7,3	33,7
2004	35,6	11,0	49,6	60,3	7,3	32,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8	6,0	33,7
2006	42,1	10,9	52,1	69,1	11,2	34,2
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5
2010	52,5	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8
2011	54,0	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3
2012	54,6	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6
2013	55,8	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4
2014	56,1	36,8	69,5	77,6	27,0	45,4
2015	62,9**	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5
2016	64,9**	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8
2017	63,4**	41,2	64,8	78,0	22,0	53,6
2018	60,4**	37,4	73,2	76,3	27,2	56,2
2019	56,5***	25,8	75,8	76,2	27,0	61,6
2020 йил	56,7	25,3	71,5	73,8	22,3	48,7

*) Кичик ва ўрта бизнес

**) 2015-2018 йиллар учун маълумотлар аниқлик киритилган (қайта баҳолаб чиқилган) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда келтирилган

***) Дастлабки маълумотлар

Шу билан бирга кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ хусусиятлари, уларни давлат йўли билан ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиётини стратегик ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятига,

² Манба: ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ва тармоқ таркибига етарлича баҳо берилмаган.

Шу билан бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи, рағбатланти-рувчи институтлар ҳамда механизмларни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши бир неча муаммолар ечимига боғлиқ. Уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- шартномалар тузиш ва уларни бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва трансакция харажатларини пасайтириш.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ва давлат идоралари билан мулкчилик низоларига қонуний баҳо бериш хўжалик судларининг ваколатига киради. Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда хўжалик судларида тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўриб чиқилган ишлар сони бирмунча камайган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялаш юзасидан ишлар кўрилган ва тадбиркорлар фойдасига катта миқдордаги маблағлар ундирилган. Ушбу далиллар мамлакатимизда тадбиркорлар мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътиборли чора – тадбирлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Шу билан бир вақтда таъкидлаш мумкинки, хўжалик судларига мурожаат этишлар ўтган йилларга нисбатан 30 фоиздан кўпроққа қисқарган бўлсада, ушбу йўналишда ҳали ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд. Бундай масалалар бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқлари билан тадбиркор, давлат ҳамда бошқа учинчи томон ўртасида аниқ тақсимланмаганлиги туфайли юз бериши мумкин. Шунини ҳисобга олганда хусусий мулкчилик ҳуқуқларини тадбиркор билан давлат ва шартнома иштирокчилари ўртасида аниқ тақсимлаш ва умуман мулкчилик муносабатларини институционал нормаларини такомиллаштириш лозим.

Маълумки, бозор муносабатларини амалга оширишнинг асосини шартномалар ташкил қилади. Шартномалар классик, неоклассик ва имплицитив (тугалланмаган) турларга бўлинади. Ушбу ҳолатларда томонларнинг ўзаро ҳаракати билан (трансакция) сотиш ёки ёллаш шартномалари тузилади. Ушбу шартномаларни тузиш ва амалга ошириш маълум хатарларни ҳисобга олувчи ёки унга бефарқ бўлган шахслар ўртасида юзага келади. Шунини инобатга олганда тадбиркорлар ўзаро сотиш ёки ёллаш шартномалари шартлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган институционал нормаларни ҳамда механизмларни (жавобгарлик юзасидан) янада ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш босқичларида долзарб ҳисобланади. Бундай ёндашув ўзаро келишмовчилик, ноқонуний ҳатти –

ҳаракат ва шу каби бошқа қонунчиликка зид бўлган ҳаракатларни камайтиришга олиб келади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, шартнома шартларини бузилиши, уларни ўз вақтида бажарилмаслиги, нафақат шартлашган томонлар манфаатларига салбий таъсир этади, балким уларнинг ўз мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сарф қилинадиган харажатларни (трансакция харажатлари) ҳам ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар корхоналар молиявий аҳволини заифлашувига олиб келади.

Шуларни инобатга олганда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида трансакция харажатларини камайтириш йўллари такомиллаштириш, бугунги кунда иқтисодий стратегик ривожлантиришнинг долзарб муаммолари қаторига киради.

Трансакция харажатларининг мазмун – моҳияти ва уларнинг таркибига кирувчи харажат турлари[4] тадқиқот ишларида кенг ёритиб берилган.

Ҳар қандай корхонада, шу жумладан кичик бизнес корхоналарида ҳам трансакция харажатларига ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш (шартномалар тузиш), бозорни ўрганиш учун ахборотларни қидириш, умумлаштириш; шунингдек, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш; шартномаларни имзолаш; шартномалар тузилгандан кейин уни бажариш учун сарфланадиган харажатлар киради. Бундай харажатлар одатда давр харажатлари таркибида сотиш, маъмурият ва бошқарув билан боғлиқ харажатлар шаклида иштирок этади. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик субъектларининг янги техника ва технологияларни сотиб олиш ҳамда ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун сарфлаётган трансакция харажатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ушбу харажатларни камайтириш, мулк ҳуқуқлари тўғри тақсимланганда, корхонанинг рақобатбардошлиги ҳамда фойдалилик кўрсаткичлари юқори бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда тадбиркорлар сарфлаётган трансакция харажатларини камайтириш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Жумладан, корхоналар молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар механизмлари доирасида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкаларини расмийлаштириш, қурилиш лойиҳаларида қатнашиш ва шу каби бошқа рухсат бериш билан боғлиқ трансакция харажатлари қисқартирилишига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Президенти қарорлари билан кичик бизнес вакиллари фаолиятига тўсиқ бўлаётган рухсат бериш тартиблари ва чекловлар бекор қилинди.

Шу билан бир вақтда, мамлакатимизда асосий трансакция хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг хизматлари учун корхоналар томонидан тўланадиган шартномаларни тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ трансакция харажатларини қисқартириш (айниқса, солиқ ва бошқалар) барқарор иқтисодий ўсишга асос яратади. Бунда дастлаб, корхоналарни экспортга маҳсулотлар чиқариши ва улар бўйича шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда консалтинг-маслаҳат хизматларини кўрсатиш; давлатга тегишли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жойларининг

ижараси билан боғлиқ харажатларни пасайтириш; судларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот ва хом-ашё етказиб бериш шартномаларини тузиш, улар ижросини таъминлаш ҳамда томонларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоялаш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш йўналишларида амалий ишларни олиб борилиши самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва ривожини белгиловчи институтларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш иқтисодий ўсишни ҳамда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

1. Янги Ўзбекистон стратегиясини биз эришган натижаларга таяниб янада кенг ва изчил ҳаётга киритиш учун давлатимизда, халқимизда етарлича кучли имкониятлар ва амалий тажрибалар мавжуд.

2. Янги Ўзбекистон стратегиясида мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттиришнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучларидан бири – бу хусусий тадбиркорлик ҳисобланади.

3. Мамлакатимизда ҳозирги босқичда хусусий тадбиркорликни янада кенг ҳамда самарали ривожлантириш учун етарли илмий инновацион, инвестициявий, технологик, ер-сув, меҳнат ҳамда институционал салоҳиятлар мавжуд.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига адолатли ёндашув бўлсагина, халқ ичида ушбу соҳани давлат, аҳоли манфаатлари учун самарали эканлигини исботлайди.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятидан тўғри фойдаланишда мулкӣ, шартномавий ва трансакция муносабатларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.

3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.

4. Беркинов Б.Б., Эргаишходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. –Т.: “FAN VA TECHNOLOGIYA”, 2017. -236 б.
Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т.: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.